

1 – мавзу. Хор ижрочилиги мусика санъати тури сифатида.

Режа: 1. Тарбия сифатида хор ижрочилигининг тутган урни.

2. Ўзбекистонда хор санъатининг ривожланиши.

3. Хор партиялари ва уларнинг таркиби.

4. Хорнинг сон жихатидан таркиби ва сахнада жойлашуви.

Хор ижрочилиги ҳозирги кунда кенг тарқалган асл халқ санъати турларидан биридир. Жамоа бўлиб ажро этиш, одамларга чуқур, гузал (эстетик) завқ уйғотибгина қолмай, балки, уларни жипслаштиради. Жамоа бўлиб бирлашишга олиб келади ҳамда маънавий савиясини, бадиий дидини оширишга ёрдам беради. Бу суз ва мусикадаги гоё бир одам орқали эмас, балки, бир гуруҳ жамоа томонидан ифода этилишидир. Хор санъати инсоннинг энг яхши хис-туйғуларини уйғотиб, ҳаяжонлаштириш, иккиктириш хусусиятига эга. Шу сабабдан хор иштирокчилари билан бир қаторда тингловчиларнинг ҳам бадиий-гоёвий тарбияланишидаги урни жуда катта ва муҳимдир.

Тарбия воситаси сифатида хор ижрочилигининг аъёналарга бориб такалади. Машҳур педагог К.Д.Ушинский «инсонларни меҳнат жараёнида иш қучини бирлаштириш учун ҳам хор қушиқларидан кенг қўлдан фойдаланиш мумкин» деган эди. Шунингдек мактабда, боғчаларда, қув муассасалари ва тарбия муассасаларида болаларда ватанпарварлик, инсонпарварлик туйғулари ва жамоа бўлиб бирлашиш каби хислатларни тарбиялашда хор ижрочилиги ўжда катта аҳамият қасб этади. Хор ижрочилиги мусика санъати тури сифатида икки-аққдемик ва халқ ижрочилиги йуналишларида ривожланиб қелмоқда. Қуйлаш усули, товуш қосил қилиш характери, овозларнинг тебр турланиши, ижрочилиги техникаси усуллари ва ифодалаш воситаларининг имқониятларига қараб хор ижрочилиқ услуби аниқлашади. Академик хорларнинг асосий вазифалари турли миллат яъни қох чет эл, қох ўзбек, қох рус классик бўлишидан қатъий назар энг яхша асар намуналарини ижро этиш ва тарғиб қилишдан иборат. Шунингдек, халқ хорлари дирижёрсиз баён ёки бошқа халқ қолғу аспоблари журлигида қушиқ ижро этилади. Халқ хорларининг қуйлаш усули очик овозли, нутққа яқин ва халқ ижрочилиқ аъёналарига асосланган, овозлар партияларга аниқ бўлинмаган бўлади.

Ўзбек мусикасининг асоси малодик (бир овозли) бўлганлиги учун қуп асарлар давомида қуп овозли хор ижрочилиги амалда қўлланмаган. Хор санъати республиқамизда У.О.С. Революциясидан кейин ривожлана бошлади. Қуп овозли хор даслаб мусикали драма ва комедияларда халқ мусикасини хорга мослаб, қайта ишланган қолда қўлланилади. М.Ашрафий ва С.Васеленқонинг «Бурон»: Т.Содиқов, ва Р.Глиерларнинг «Лайли ва Мажнун» каби опералари қуп овозли ўзбек хор ижрочилиги ривожиди катта урин тутди. 1952 йилда С.Василилов раҳбарлигида ташқил этилган. Ўзбек О.Қолегаси. Шунингдек М.Бурқонов. С.Бобоев. И.Ақбаровларнинг бирингчи хор асарлари Республикамизда хор санъати юзага қелишида 1961-йили Республика телевидение ва радиоси қошида ташқил этилган Б. Умидқонов раҳбарлигидаги хор жамоаси муҳим қисса қушиди. Б.Умидқонов хор жамоасининг раҳбари бўлибгина қолмай, унинг репертуарини, қушиқларини яратувқиси ҳамдир. Бундан ташқари болалар хори ташқил этилди. Билим юртларида, маданият-оқартув билим юртларида, педагогика институтларида, маданият институтларида ва консерваторияларда қуплаб хор жамоалари ташқил этилди. Ўзбекистон хор санъати ривожиди бу ўзғаришларга қарамай, республика хор санъати арбоблари олдида катта вазифалар турибди.

Хор – бу воқал мусикали қолғу аспоблар журлигида ёки журсиз асарни ижро этувқи қонандалар жамоасидир. Хор атамаси юнонча «choros» сузидан олиниб, «туда, йигин» маъносини аңлатади. Мусика амалиёти давомида хорнинг қар қил турлари (тип хора) ва қуринишлари (вид хора) мавжуд. Хор тури хорнинг тузилиши сифатида қараб аниқланади. Турига хор бир қил ёки аралаш тузилишда бўлиши мумкин, яъни аёллар, эрқаклар, болалар хори қиради. Аралаш хорга эса, аёллар билан болалар хори, эрқаклар билан аёллар хори

киради. Хор куриниши эса хорни ташкил килувчи мустиқил хор партияларининг сони билан белгиланади: 2 овозли хор, 3 овозли хор, 4 овозли хор ва хаказолар. Бундай булиниш дивизли яъни италянча булиб булиниш деган маънони англатади.

Хор партиялари хор жамоасини ташкил этиш шартларидан бири хар бир хор партиясини овозлар билан тугри таъминлашдир. Диапазон, темп ва овоз кучи жихатидан бир – бирига якин булган ашулачилар гурухига хор партияси дейилади. Хорда асосан 4 та овоз партиялари сопрано, альт, (аёллар овози), тенор, бас, (эркаклар овози) мавжуд. Хор партиялари таркибига баланд ва паст овози яъни 1-чи ва 2 овозлар деб юритилади. 1-чи овозлар гурухини лирик овозлар, 2 чи овозлар гурухига драматик овозлар киради. Аёллар хорида овозларнинг жойлашуви ва диапозони куйидагича булади: С 1,2, Альт 1,2 ва диапозони 2 октавадан оширок яъни кичик октава фа-соль-ля² булади. Эркаклар хори эса тенор – бас партияларидан иборат булиб, диапозони 3 октавадан ортик катта «ля-ля¹-до²» булади. Эркаклар хори Т I-II баслар ёки Т I-II бас, баритонлардан иборат булади. Профессионал хорлардан танлин институтининг «академик аёллар хори» ва Эстония «академик эркаклар хори»ни мисол килиш мумкин. Болалар хори дисантлар (сапрано) ва альт партияларидан иборат булади. Улар ёшларига кура 3 гурухга булинади:

1. Мактаб ёшидаги ничин гурух (ничин хор) 7-10 ёш.
2. Мактаб ёшидаги урта гурух яъни урта хор 11-13 ёш
3. Мактаб ёшидаги катта гурух яъни катта ёки усмирлар хори 14-18 ёшлар киради.

Болалар хорида мисол килиб «Булбулча» болалар хорини айтиш мумкин. Муסיка амалиётида турт хор партияси яъни сорано, альт, телор, бас овозли хор кенг таркалган.

Диапозони 4 октавадан аниқ яъни контр октава ля дан – 3 октава до гача булади. Аралаш хорнинг имкониятлари яъни куйлаш жихати, диапозони кенг ва хилма хил булади. Бундан тшқари тулик булмаган аралаш хорлар ҳам булади. Буларга куйидагилар киради:

- 1) С+А+Т, 2) С+Т+Б, 3) А-Т+Б, 4) С+А+Б.

Хор жамоатлари сон жихатидан таркиби буйича кичик, урта ва катта хорлар булади. Кичик хор 16-30 киши, урта хор 30-60 киши, катта хор 80-120 кишидан тақил топган булиши мумкин. Кушиқ байрамлари намойишлар ва фестивалларда кушма хорлар жуда куп кишини уз ичига олади.

Хор гурухларининг ананавий жойлаштирилиши куйидагича булади.

Тенорлар	баслар
Сапранолар	альтлар

Баъзан дрежёрлар хорни куйидагича жойлаштирадиларки, бунда баланд ва паст овозларнинг тембр жихатидан карама каршилиги ошади, натижада садолашиш яхшироқ булади.

Баслар	тенорлар
Сапранолар	альтлар
Дирижёр	

Болалар хорида овозлар куйидагига жойлашади:

- I. овозлар (сапранолар)
- II. овозлар (альтлар)

Хорни анустин шароитини ҳисобга олган ҳолда, овоз кучига, интонациянинг тургунлигига кура, хонандани хор партиясида эгаллайдиган урнини аниқлаш ва жойлашувини катъийлаштириш лозим. Бундай мақсад хорнинг созларини саклаш, тембр бирлигига партияда ансамбил бирлигига эришишга ёрдам беради.

Амалий топшириқлар:

1. Ўзбекистон телерадиоси қошидаги хор жамоаси ижросидаги асарларни тинглаб, партияларини овозларни аниқлаш.

2. Шу хор ижросидаги асарларни куйлаётган хор тури ва курилишини аниклаш.
3. «Булбулча» миллий хори ижросидаги асарларни тинглаб, диапазонини аниклаш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. В. А. Гуднова «Узбекская хоровая литература» Т. 1974 г.
2. Н. Шарафиева «Хоршунослик» Т. 1987 й.
3. Е. Гуднова, А. Василева «Ашула дарслиги методикаси» Т. II- кism 1973 йил.

2 – мавзу. Овоз аппарати ва унинг ишлаш конун коидалари.

- Режа: 1. Товуш хосил килиш, дикция.
 2. Овоз гигиенаси, нафас.
 3. Мутация.

Овоз аппаратининг харакати натижасида товуш хосил булади. Бу аппарат уч кисмдан иборат булади: 1) Нафас органлари яъни – упка, бронх, трахея – томокнинг нафас йули. 2) Хирилдоқ (овоз пардалари жойлашган кисми)
 3) Резоляторлар (юткин, огиз ва бурун). Овоз аппаратининг хар бир кисми бир бири билан чамбарчас боглик. Товуш – упкадан чикаётган хаво окими, трахея оркали томокка келади ва уерда хаво пардалари тусикка учрайди. Хаво босими таъсирида овоз пардалари харакатга киради, уларнинг такрорий очилиб ёпилиши ва тебраниши натижасида хаво тулкинлари яъни товуш хосил булади. Овоз пардаларининг узунлиги ва калинлиги турлича булади.

1. *Бас ва баритон* 22 – 25 мм
2. *Тенор ва мец. Сопр* 18 – 22 мм
3. *Сопрано* 14 – 19 мм

Товуш тебранишининг тезлиги яъни товуш баландлиги овоз пардаларининг тортилиши билан боглик, тебраниш канча тез булса, товуш шунча баланд пардаларга кутарилади. Товушнинг пайдо булиш вакти «товуш хужуми» яъни («атака звука») дейилади. Овоз пардаларининг жинпслигига нафас чикаришининг кучи ва характерига караб товуш хужуми каттик, майин, нафас олишдан кейинги хужум булиши мумкин. Хонанда учун енг маъкул товуш хужумидан чикадиган овоздир. Хор ижрочиличига хонандалардан тугри дикция яъни «нутк талаффузи яна хам тугрироги адабий текстни аник ва равшан талаффуз килиш талаб килинади. Ёмон дикция хор куйи ифодавийлиги ва мазмунини сусайтиради. Хор дикция нутк органларини ишлаш кобилиятига яъни тил, лаблар, юмшок танглай ва пастки жагдан иборат ишлаш кобилиятиги боглик. Вокаль нутки ифодали ва жонли булиши керак. Агар унли товушлар хонанда овози садоси чузиклигини, кучи ва ранг – баранглигини таъминласа, ундош товушлар эса, асарнинг бадийи тексти мазмунини тушунарли килиб ифодалашга имкон беради. Унли харфларни хорда иштирок етувчи хонандалардан бир хил ва тугри талаффуз килишини жиддий талаб килиш, хорда товушлар ансамблига эришишга асосий замин яратади.

Овоз гигиенаси бу – хонанда овози табиатнинг кимматбахо инъоми булиб, ундан ижрочи эхтиёт булиб ва акл билан фойдаланиши лозим. Каттик нутк, бакириб куйлаш, нотугри ва нокулай нафас олиб куйлаш, овоз аппаратининг хасталигида куйлаш овоз гигиенасига тугри келмайди. Буларнинг хаммаси овоз пардаларининг чарчашига ва касалга чалинишига олиб келади. Машгулотни дам олиш билан окилона алмаштириб туриш, хонандалик режимининг асосий коидасидир. Шунингдек совук хавода куйлаш, совук

ичимлик ичиш эса, овоз аппаратиға салбий таъсир курсатади. Бухолатлар айникса болаларда булмаслиги лозим. Вакти – вакти билан врач – фониатр куригидан утиб туриш овоз аппарати касалликларини олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Болалар хор жамоаларининг раҳбарлари болаларнинг овозлври узгариш вақтидаги овоз – вокал партияларини хусусиятларини билишлари шартдир. Хонанда у болами ёки ёши каттами ёки усмирми, товуш ҳосил килишида нафасни тугри йулға куйиши муҳим рол уйнайди. Куйлашдаги нафас билан физиологик нафас уртасида маълум даражада фарк бор. Физиологик нафасда нафас олиш аниқ бир ритмда ва маълум бир вақт оралигида содир булади. Луйлаш вақтидаги нафас олиш эса тез ва қиска вақт оралигида содир вулиб нафас чикариш эса бир канча вақтга чузилади. Куйлашдаги нафас олашнинг бир неча турлари бор:

- 1) **Пастки ковургалар кенгаювчи нафас олиш.**
- 2) **Елка кенгаювчи нафас олиш.**
- 3) **Корин билан нафас олиш.**
- 4) **Кукрак билан нафас олиш.**

Куйлаш вақтида 1 чи ва 3 коидадаги турларини ишлатиш маъкулдир. Хонанда худди гул хидлагандай нафас олиб чикаришида эса тежаб, узок муддатли текис булиши шарт.

Нафас олиш хорда бир вақтда булиши мумумкин. Баъзан ҳар шартларининг узлуксиз садоланишини таминлашда улама нафасда (цёмное дихание) ижро этиш талаб килинади. Болаларнинг ҳар жамоалари раҳбарлари ҳам болалар билан ишлаганда нафасини тугри олиб куйлатишга этибор беришлари лозим ва муҳим.

Мутация – болалар вояға етаётган даврдаги овоз узгариши (овознинг роста булиши) дир. Мужичия даври одатда болаларнинг 12-13 ёшида бошланиб, 16-17 ёшгача, гоҳо ундан куп ёшгача давом этиши мумкин. Бундай даврда болалар овози ортикча куйлашга кучи етмайди ва диққат ҳам булишини талаб килади.

Угил болаларда халкум пас усади ва овоз пардалари узунлашади, овоз пасайиб кичик онтава товушларига ута бошлайди. Баъзи вақтда мутазил даври огир ва ҳар хил ҳолатда утиши сабабли машгулотларни вақтинча тухтатиш зарур булиб қолади. Киз болаларда мутация ҳолати осойишта ва асоратсиз утади. Лекин шунга карамай, кизларнинг овозини ҳам эҳтиёт килиш зарур. Хонандалик коидасига риоя килишса, мутация даври бир канча енгил утишга ёрдам беради.

Мутация даврида болаларға овоз асоратларига ортикча куч бериш ярамайди.

Амалий топшириклар.

1. Куйидаги асарларда нафас ва товуш йуналиши хусусиятларини характерлаб беринг.
 - А) Б.Умиджонов. «Лапар»
 - Б) Б.Умиджонов. «Гузал»
2. Куйлаётган асарингиздаги нафас олишга эътибор беринг.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. Н. Шарофиева. «Хоршунослик» Т. 1987й.
2. Г.Мамишла. Вокальное воспитания детей. М. 1967й
3. Н. Козиев. Хор дирижёрлиги хрестоматияси.

3 – мавзу. Хор ижросининг асосий бадий –ифода воситалари.

Режа:

1. Асар жумлаларини аниклаш(фразалаш)

2. Вокал-хор тарбияси.

3. Кушиқ айтиш курсатмаси.

Бадиий ифода –асарининг гоёвий мазмунини очиш формаси ҳисобланади. Агар хор яхши интонация ва созга, ансамблга ва суз талаффузига, вокал ва хор техникасига эга бўлса-ю, унинг ижроси бадиий ифодага эга бўлмаса, унда асарнинг гоёвий –бадиий мазмуни тингловчига етиб бормади.

Демак, хорда олиб бориладиган барча ишлар бадиий-ифодали ижро билан ҳамбарчас боғлиқ бўлиши зарур. Зеро, ифодали ижро асарнинг моҳиятини очиқ беради. Хорда яхши созга, соф интонацияга ва ансамблдан қатъий назар, унда инсонлар агогика, динамика ва жумлалаш каби ижро воситалари етишмаса, унинг ижроси жонли, эмоционал кизиқарли бўлмайди. Шунинг учун хор раҳбари бадиий ифода воситаларидан қай уринда қандай фойдаланаш кераклигини билиши лозим. Хор динамик, ритмик, темп, жумлалаш (фразалаш) каби ҳар хил бадиий- ифода воситаларига эга бўлиши керак.

Музыка асари қисм ва даврларга бўлинади. Асарнинг маълум бир қисмидаги музикавий фикр даврни ташкил қилади. Давр эса гапларга, гаплар жумлаларга жумлалар оҳангларга бўлинади. Ана шу (оҳанг, жумла, гап, давр) музыка булақларини яхлит бир фикрга бирлаштириб, маъносини тушунган ҳолда ижро қилиш музикавий жумлалаш дейилади.

Раҳбар ҳар коллективига асарнинг музикавий тилини, ифода воситаларини ва унинг мантикий ривожланишини, умуман, асар мазмунини тулиқ тушунча ҳолда ижро этишни ургатиш зарур.

Тингловчи қулогига аниқ ва лунда эшитилиши учун ритм ва уповларга путур етмаган ҳолда сузилар-сузилмас цезуралар (ажратиб турган жумлалар) лигалар ёрдамида улаб борилади.

Жумлалаш динамика, цезура агогика, нафас, тембр, артикуляция, ритм, темп, фермато каби музикавий ифода воситаларини уз ичига олади. Асарни тугри жумлалаш билан уни бир бутун талқин қилинади, умумий кульминациясига эришилади ва музикавий бадиий образ яратилади.

УЛЧОВ. Хор, оркестр, умуман музыка ижрочилигида асарнинг улчов ва ритмининг сезиш, уни англаш зарур ҳисобланади.

Умуман, улчовсиз музыка бўлмайди. Улчов-қучли ва қучсиз ҳиссаларнинг ритмик алмашишдир. Қучли ҳисса улчов зарбининг ҳосил қилади. Шу орқали музыка тактларга бўлинади.

РИТМ. Ритм музыкасида асосий ифода ва шакл ҳосил қилиш воситаси ҳисобланади. У асар қузими, ургуларни, тузилиш ва ҳокозоларини уз ичига олади.

ФЕРМАТО бадиий ифоданинг тепдаги яна бир тури ферматодир. Фермато жумла охирида, суз уртасида ва асар охирида қуйилади.

ТЕМП – ҳаракат тезлиги – бадиий ифода воситаси ҳисобланади асарни композитор тамонидан қуйилган темпда ижро қилиш зарур, асарда асарнинг темпи (сезиларли даражада) узгарса унинг маноси, характери ҳам узғариб, бутунлай бошқа асарга ухшаб кетиши мумкин, шунинг учун джежиёр иш бошлашдан олдин асарнинг улчови ритми тепи билан яхши таниш бўлиши идрок этиши лозим.

Хорда ритм устида ишлаш энг муҳим ишдир темп ҳақида гапни давом эттирар эканмиз, асосан қуйидаги темп белгилари қуп қулланилади.

Хор ижросида манашу асосий темплар узғартирилса, асардаги бошқа иқовик узғаришларни аниқлаш қийин эмас яна бир ритмлик эркинлик белгиси «*rubato*» қулланилади. Бу бир жумлани торайтириб, иқкинчисини кенгайтириб ижро қилишга имконият беради. Рубато усули хор ижрочилигида деярли қам учрайди, у асосан халқ қушиқлари яққа ҳонанда томонидан ижро қилинганда ишлатилади.

Эмоционаллик. Вокал хор ижрочилигида эмоционаллик алоҳида урин тутаяди.

Эмуционал ижро бадий ифода воситаси хисобланади. Хор асари мазмунини очишда унинг адабий текстининг эмуционал жонли чиқиши муҳим аҳамиятга эга. Ижрода мусика ва суз бирлигига эришиб уни эшитувчига жонли – эмуционал етгазиб берилмаса, асар гоёси тушунарсиз бўлиб қолади.

Хорнинг ижро маҳоратини унинг вокал-хор техникаси билан ижродаги бадий ижрода воситалари ташкил қилади.

Демак ижродаги эмоционаллик ижро техникасидан ажралмаган ҳолда ижро маҳоратининг таркибий қисми хисобланади. Шунинг учун эмоционалликни ифодали ижрони муҳим ижронинг шартли эканлигини унутмаслик лозим.

Хор коллективининг аксосини ундаги вокаал Хор ишлари ташкил қилади вокал –хор комплекс ишлари хорнинг мувофоқиятли фаолияти учун замин яратади. Хорда вокал ишларининг сифат даражаси хор дережорнинг малакасига, вокал қобилияти ва педогогик маҳоратига боглик хорда олиб бориладиган вокал ишларининг мақсади ҳонандаларда тугри қуйлаш малакаларини устиришдир.

Вокал ишларига :

- Хорнинг муҳим элементлари устида ишлаш (Ҳомохангликка яхши созга суз талаффузига бадий ифода воситаларига эришиш)

- Тугри нафас олиш, вокал товуш брпо қилиш ва уни шакиллантириш.

- Хор коллективи аъзоларини бир хил вокал малакаларига эга қилиш қабилар қиради, хор ижросининг муҳим элементларини барпо қилиш унинг вокал-хор техникасига боглик, албатта. Вокал хор техникасига, асосан, нафвас, товуш ҳосил қилиш, уни чузиш, динамика интонация ва дикция масалалари қиради.

Хор коллективи яхши вокал техникага эга бўлмаса у хорнинг ижросида На уйғунлик (ансамбил) нотиник соз, На аниқ талаффуз ва бадий ифода бўлади.

Раҳбар ҳар доим вокал тарбияси устида иш олиб бориши хорнинг иш фаолиятининг шу тарбия асосида бошқариш ва хорнинг чиройли, ифодали жарангига эришмоғи керак.

Қушиқ айтишдан олдин ҳонандалар унга тайёр бўлишлари маълум ҳолатнинг эгшаллашлари зарур бу ҳолат икки хил бўлади: Туриб қуйлаш ва утириб қуйлаш ҳолати.

Туриб қуйлаганда гавдани ва бошни тугри эркин тутиши оёқларни ерга бир хил қуч билан босиш қуқрак қафасини савгини қутариш ва олдинга чиқариш қифтларин тугри тутиш ва улар сезиларсиз орқага тортилган бўлиши, қуқлар пастга туширилган бўлиши керак.

Утириб қуйлаш ҳолатида бош ва гавда тугри ва эркин тутилиши оёқларни тугри бурчак қилиб босиш қуқларни эса тиззаларга эркин қуйиш лозим . Агар гавда буш, бел эгилган ҳолатда бўлса овоз қучсиз ёқимсиз чиқади.

Умуман, хорнинг туриб қуйлаши энг қулай ҳолат ҳисобланади, баъзи раҳбарлар овоз апаратини қиздириш процессини туриб (15-20) минут қушиқ урганишда утириб ва урганилган асарни туриб қуйлашни авзал қурадилар.

Овозни таёрлаш машқлари маълум тартибда утқазилади. Бу машғулотларда тугри овоз позициясига ва нафасга яхши ансамбил ва созга бирхил овоз ҳосил қилишга ва яхлитлик жарангдорликка эришилади.

Овозларни «қиздириш» ва тайёрлашни бутун хор билан ёки партия билан алоҳида алоҳида ва уларни қушиб утқазиш ҳам мумкин. Масалан, олдин эрқаклар хор и ва сунг аёллар хори билан утқазиш кейин эса умумий хор билан машқ қилиш мумкин.

Хорда вокал-хор техникаси устидаги ишни на факат овозни қушиқ айтишга тайёрлаш вақтида балки бутун машғулот давомида вокал-хор ишлари билан боглик ҳолда олиб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар.

4. Н. Шарофиева. «Хоршунослик» Т. 1987й.
5. Г.Мамишла. Вокальное воспитания детей. М. 1967й
6. Н. Козиев. Хор дирижёрлиги хрестоматияси.

Хонандалар эътиборини аник интонация килишдан чалгитмаслик учун асарни урганиши давомида баланд овозда ва зурикиб куйлашга йул куймаслик лозим. Урганиш асосан бошиданок соф садога эришишга интилиб, шу йул билан нафасни йулга куйиши, товуш хосил килишни, дикцияни бир – бирига узвий боглаш устида ишлаш керак. Урганишни охириги погонасида бадий ижрочилик вазифалари асосий уринни эгаллайди. Хор билан ишлашда рахбарнинг шахсий ижрочилик қобилияти катта аҳамиятга эга. Яъни факатгина суз оркали тушунтирмай, овоз имконларини ишга солиб, куйлаш усулларини курсатиши лозим. Якунловчи урганиш даврида асарнинг музикавий образ ифодасининг энг аник бадий воситаларини излаш устида иш олиб борилади. Албатта, у ёки бу ифода воситаларини танлаш эса тасодифий ёки тусатдан шунчаки бўлмайди. Хар бир аник ҳолда

музыка мазмуни, характериға караб ва шу билан бирға ижрочининг эмоционал характери билан белгиланади. Асарни хорға мукаммал ургатиб булгандан сунг фортепиано ёки оркестр ижросида курилади. Бу пайтда хорнинг куйлаш таъсирчанлиги эшитилиб, хонандалар камчиликлари курсатилади. Охири асарни концертға тайёрлашда хеч кандай камчилик колмаслиги лозим.

Амалий топширик учун тавсия килинадиган асарлар:

1. Куйидаги асарларни тинглаб, овозларнинг куйланишиға эътибор беринг.
2. «Дилбарим» Б.Умиджонов.
3. «Илилла ёр». Узбек халк кушиги.

Куйидаги асарларни тинглаб ансамблға эришишни урганинг.

1. «Гузал» Б.Умиджонов.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Н.Шарафиева «Хоршунослик» Тошкент 1987 йил.
2. К.Пирогов. «Руководство хором» Москва 1964 йил.

5 – мавзу. Хор санъатининг ривожланиш тарихи.

Дарс режаси.

1. Чет элларда хор ижрочилигининг ривожланиш тарихи.
2. Хор санъатининг тарбиявий ахамияти.
3. Россияда хор маданиятининг ривожланиш тарихи.

Адабиётлар.

1. Рузиев Ш «Хоршунослик» Г. Гулом Тошкент 1987 йил. 167- бет
2. Чесноков П Г «Хор и управление им» Москва 1961 йил.
3. Асафьев Б В «Хоровая культура» «Русская музыка XIX и начала XX века» Ленинград 1968 йил.
4. Хор санъати Ленинград 1980 йил.

Кириш.

Жамиятнинг маданий тараккиёти бевзввосита унинг маънавий-ахлокий негизларнинг ривожланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Узбекистон Республикаси президенти И. А. Каримов кайд килгандек бу негизлар миллий кадриятларға содиклик, маънавий меросни мустахкамлаш ва ривожлантириш, инсоннинг уз имкониятларини эркин номоён кили, ватанпарварликдан иборатдир.

Умуминсоний ва миллий кадриятлар муштараклигига, республикамининг барча фукараларининг маънавий маданиятини шакиллантиришға эришиш этади. Шахсан тафаккурини бойитмасдан туриб, ижтимоий, иктисодий, маданий жабхалардаги вазифаларни бажариш, анъана, истиклол мафкурасини тула тукис яратиш мумкин эмас.

Узбекистон Республикасининг «Таълим тугрисида»ги Конунда кайд килинганидек таълимда умуминсоний ва миллий маданий кадриятларнинг устуворлиги соҳасида давлат сиёсатининг асосий томонларидан биридир.

Уругчилик жамиятининг емирилиши ва синфий жамиятға утиш Бактрия, Сугдиёна ва Хоразм давлатларининг пайдо булиши ахмонийларнинг харбий-маъмурий жихатдан бирлашувлари Александир Македонский давлати, Грек-бактрия подшолигининг вужудға

келиши эрамиздан олдинги IV асрдан то эрамизнинг VII асиргача булган жуда катта тарихий даврни уз ичига олади.

Бу давр этник характерли мифологик кахрамонлик устун булган кадимги огзаки мусикали поэтик ижоднинг юзага келиши билан машхурдир.

Кахрамонлик афсоналари, эпик кушилар Урта Осиё халklarининг уз мустакилликлари учун олиб борган мардонавор курашишларининг буёкдор тасвирлари билан тула уз халкнинг озодлиги йулида жонини курбон килган – Широқнинг мислсиз жасорати ватанга булган муносабати тугрисида хикоя килувчи Сак афсоналаридан парчалар бизгача сакланиб колган. Масалан: Рустам ва унинг жанглари, малика Тахминага булган мухаббати, Рустам ва Сиёвуш ва бошка баходирлар тугрисидаги афсоналар цикли шулар жумласидандир. Авесто гимнлари узи регитатив тарзида ижро этилган. Гимнлар хор булиб мукаддас олов атрофида кушик айтилиб раксга тушилган. Халкнинг байрам маросимлари, масалан бахорда, Наврузи оламда, меҳнат маросимлари. П.Чесноков хор дрижёр асосчиларидан биридир. Унинг «Хор ва уни бошқариш» (1940) китоби хоршунослик фанининг шаклланишига уз хиссасини кушган.

П.П.Левандо «Хоршуносик фанини айрим муаммолари» хакида (1974) китоб ёзган ва бу китобда хоршуносликка оид муаммолар хар томонлама уз ечимини топган. Ўзбек хор дрижёрлари Р.Хубралов, Е.Гудкова, А.Василова, Б.Умиджонов, А.Вохидов, М.Субаева, Ш.Ёрматов, Н.И.Козиев, М.Азимов, С.Юдаков, А.Хамидов, Б.Лутфуллаевлар уз педагогик ва ижрочилик фаолияти билан Ўзбекистон хор маданияти ривожига уз хиссаларини кушиб келмокдалар.

Ёш авлодни умуминсоний ва миллий кадриятлар руҳида тарбиялаш, мусика маданиятини кенг куламда тарғибот килиш инсоннинг, ёш авлоднинг эстетик дид маънавий баркамоллигини ривожлантиришда ишонч, меҳр оқибат, инсоф, сабр-тоқат, адолат, маърифат чуққиларини ишғол килиш, хар бир ёш онгига сингдириш бизнинг, педагогларнинг олий максади деб биламан.

ХОР САНЪАТИНИНГ АХАМИЯТИ ВА РОЛИ.

Мусика жанрлари ичида энг халққа тушинарли ва яқин булган тури-бу хор санъатидир, чунки у одамларнинг кундалик хаёти билан боглиқдир. Хорда адабий ва мусикий ижодиёт уз аро уйғунлашиб, яхлит бадиий образ яратади. Хор халқлар миллий мусика маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида муҳим урин тутати .

Утмишда бизнинг Республикамиз хор ижрочиличига эга булмаган, хозир эса катор шахар ва кишлокларда академик ва халқ (хаваскорлик ва профессионал) хор жамоалари куплаб мавжуд.

Профессионал ва хаваскорлик хорлар бирга иштирок этади. Республикамизда маданият ва санъат олий укув юрти, Консерватория, Педагогика Унверситети кошидаги мусика факультети, Педагогика лицейлари, маданият коллежлари, мусика коллежлари мавжуд.

Хор маданиятини ривожланиши.

Кадим замонлардан бери халқлар орзу-умидлари, хис туйғуларини кушик айтиш пантомима (бадан харақати) килиш каби воситалар билан ифодалаб келганлар.

Купчилик булиб кушик айтиш халқларнинг бутун турмуш хаёти билан боглиқ булган, анъанавий маросим кушиклари хор булиб ижро этилган.

Гарб давлатларида халқ кушиклари билан бир каторда черковда айтиладиган профессионал хор ижрочиличига пайдо булди. Кадимий черков кушиклари унисон (ёки октава) булган, улар грегориан хорал дейилган.

X асрларда икки овозли кушиқлар пайдо булган. Уйғониш даврида куп овозли хор ижрочиличига ривожланди. XV-XVI асрларда ижод килган бастакорлар бу Паластрина Дж, О Лассо, Депре, Жонекен.

Профессионал хор черковдан ташкари шох, килар саройларига кенг таркалди. Уз ижоди билан хор санъатини юкори погоналарга кутарган бастакорлар – бу Бах Гендел, Бетховен, Глюк, Гайди, Моцарт, Верди, Бизо романтиклардан Шуберт, Шуман, Мендельсон рус бастакорларидан Глинка, Римский-Керсаков, Мусоргский, Чайковский, Бородин, Кюн, Танеев, узбек бастакорларидан Бурхонов, Юдаков, Ашрафий, Умиджонов, Акбаров, Ёрматов, Мансуров.

6 – мавзу. Ўзбекистонда хор маданияти.

Режа:

1. Ўзбекистонда хор маданияти.
2. Хаваскорлик хор маданиятининг ривожланиши.
3. Ўзбекистонда хор санъатининг бошланиши ва ривожланиши.

Адабиётлар.

1. Рузиев Ш. «Хоршунослик» Тошкент Г. Гулом 1982 йил
2. Чесноков П.Г. «Хор управление им» Масква 1961 йил.
3. Гудкова Е.А. Басильева А.Б. «Ашула дарслиги методикаси» Тошкент 1973 йил.
4. Ўзбек мусика тарихи 1-2 томлар Тошкент 1973 йил.
5. Ўзбек мусикаси тарихи. Тошкент 1981 йил. Тузувчи Саломонова Т.Е.

Утмишда Сугд давлатида профессионал хор мавжуд булган, кейинчалик Араб истилосидан кейин бу санъат ривожланмаган ва профессионал якка ижрочилик формаси сакланиб қолган.

Қадим замондан бери жамоа бўлиб қушиқ айтиш ҳамма халқларнинг моҳият фаолиятини орзу – умидларини ифодалаб бериш учун ишлатилган. Қушиқлар авлоддан-авлодга оғзаки усулда қолдирилган. Ўзбекистонда алоҳида эркақлар, аёллар ва болаларнинг бирга қушиқ айтиш анъаналари булган, масалан, турли диний маросимларда, сайлларда, рамазон ойида болаларнинг қушиқ айтиши ёки катталарнинг зикр тушиши, марсия қушиқларини айтиш. Болалар жамоа бўлиб ижро қиладиган халқ қушиқлари – бу «Бойчечак», «Лайлак қелди», «Офтоб чикди».

Навруз байрамларида йигит ва қиларнинг қушиқ айтиши, туйларда айтиладиган ёр-ёр, яллалар хор бўлиб ижро этилган. Шашмақомнинг вокал қисмидаги тароналар ҳам жамоа бўлиб айтилган. Катта ашулалар ҳам 3-4 киши бўлиб ижро қилинган (базан аёллар, эркақлар). Фольклор қушиқлари (ёр-ёр, улан, ялла, хашар, 5 қарсақ, ланар, катта ашулла) ва мақомлардаги (тарона, уфур, нақш) қисмлар жамоа бўлиб айтилган.

ХАВАСКОРЛИК ХОР САНЪАТИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ.

Республикамызда мусика ва хор 20 йиллардан бошлаб ривожлана бордин. Тугараклар тузила бошланди.

1930 йилларда етук бастакорлар Ю.Ражабий, Имонжон Икромов 1,2 овозли хор қушиқлари яратдилар, 1934 йилда 1-мусика-бадий олимпиадаси ўтказилди, 1000 кишилик хор қатнашди. 1937 йилда Москва Ўзбекистон декадасида хор жамоалари қатнашди. Уриш даврида хаваскорлик хорлар жангчилар учун концертлар ўюштирар эдилар. Уришдан кейин иккинчи республика олимпиадасида 20 000 киши қатнашди (1143 жамоалар). 1948 йил - III олимпиадада 25 000 киши - - ва қуп овозлик тури ривожлана бордин. 50 йилларда Консерватория, мусика билим юрти ўқитувчилари хаваскорлик хорларга амалий ёрдам бера бошладилар 60-70 йилларда хаваскорлик жамоаларини сони ва сифати ошди. Болалар хор ижрочилигининг ривожланишида консерватория доцентлари Кензер, Валенков, Васильева, Ўзбекистонда хизмат қурсатган артист Ш.Ёрматовларнинг хизматлари катта «Бойчечак» «Булбулча» Республикамызда юзлаб ашула ва ракс ансамбллари мавжуд, уларнинг қошида

хор-вокал гурухи тузилган Масалан «Анор» «Гулрух» «Чуст тароналари» «Ширин» «Рохат» «Шалола». Хор таркибида 15-20 киши мавжуд. Улар данар, ялла, ёр-ёр кушикларини 2-3 оғизда ижро этишади. Янги асарлар ёзиб ва халк кушикларини қайта ишлаб келаётган бастакорлар Рамазонов Содик Ашрафий, Юдаков Ливен Вурхонов Бобоев Назаров Умиджонов бастакор ва композиторлардир.

ПРОФЕССИОНАЛ ХОР САНАТИНИГ РИВОЖЛАНИШИ.

Ўзбекистонда профессионал хор санъати энг кеч ривожлана бошлаган санъат турларидан биридир. Чунки зарур шарт-шароитлар йук эди. Бу масалаларни амалга ошириш учун мусика укув юртлари очиш, малакали хормейстерлар бастакор тайёрлаш керак эди. Катор рус мусика санъат арбоблари В.Усиенский, Е.Романовская, Н.Миронов, Р.Ганор, С.Василенка, А.Козловский ва узбек мусикачиларининг хиссаси катта. Профессионал хор ижоди ва ижрочилигининг оддий формалари мусикали драмалардан учрайди. Икки эпизодик уч овозли вақтуралар учраб туради, чунки бастакорлар шароит тулик пишиб етилмаганини яхши билишар ва 3-4 овозларини ишлатмасдилар. 1936 йил Ўзбекистон радиоси қошида узбек хори тузилди ва янги тузилган Ўзбекистон Давлат Филармонияси қошида хор канелласи ташкил килинди. 1937 йилда хор жамоаси бастакорлари М.Ашрафий ва Т.Содиқовларнинг турт овозли кушикларини тайёрлаб борди. 1934-37 йилларда Москва консерваториясида купгина ёшлар уқиди. Зокиров, Абдурахмонов, Давидовлар, Ашрафий, Насимов, Хошимов, Кори – Ёкубов, Бурхонов, Юдаков.

Ёш узбек бастакорлари рус бастакорлари билан ижодий ҳамкорлигида узбек миллий операсини яратишди, бу Вас. Ашрафийнинг «Бурон» операси. 1939-1940 улуг канал, Глиэр ва Содиқовларнинг «Лайли ва Мажнун» операси уруш йилларида Козловскийнинг Улугбек, Чишқонинг «Махмуд Таробий» опералари ёзилган.

1952 йилда Ўзбекистонда Давлат Филармонияси қошида I- профессионал хор канелласи ташкил килинди – рахбар Валенков. Бурхонов биринчи журсиз хор кушикларини яратди канелла учун республикада а канелла жанри вужудга келди. Ўзбекистонда хор санъатининг усишида 1960 йилда ташкил килинган Ўзбекистонда радио ва телвидинияси Давлат комитети миллий хорининг хиссаси катта. Рахбари Б.Умиджонов.

Ўзбек бастакори хамма жанрларда узини хиссасини кушишган – кант, орат, ода, сюита, баллада, а, кап. Масалан Юдаковнинг галаба, менинг ватаним, муракбод, туёна кантаталари, «Мирзачул сюитаси», Ашрафийнинг «Ўзбекистон» ва «Бахт кушиги» кантаталари, Хамроева «Ўзбек хотин – кизларига» кантата Вильданов, Варелас, Бурхонов, Д.Зокиров, Насимов, Умиджонов «Асрим садоси» кантатаси.

Камер хорлари.

Камер немисча уй хона дегани. Камер хорда 30 тача хонанада булади ва мусика маълумотига эга талаба ва ишчи ёшлар катнашади. Камер хор формасига кенг таркалган сабаб катта саставли академик хорни тузиш учун керакли овозлар куп хонандаларга махсус жой кераклиги каби муаммоларнинг йуклигидир. Баъзи камер хорлар профессионал жамоаларга айланган камер хорининг икки шакли мавжуд: профессионал ва хаваскор.

Бу хорларда овозларнинг жойланиши хам бошқача булади. Масалан шоу бошчилигидаги Америка камер хори Квартет услубида тузилган (партиялар эмас САТБ). Бу хорларда классик ва замонавий хор асарлардан иборат репертуар ишлатилади. Баъзи бастакорлар камер хорлар билан доимий ижодий боғланишда булишади. Масалан, Свиридов «Пушкин гулчамбари» ва бошқа асарларини Москва камер хорида ёзган

Бизда Ш.Ёрматов – Булбулча учун, Б.Умиджонв – Радио комитет учун.

Режа:

1. Болалар овози.
2. Аёллар овози.
3. Эркалар овози.

Адабиётлар.

1. Рузиев. Ш. «Хоршунослик» Тошкент Г. Гулом. 1987 й.
2. Питров К. «Руководство хором» Москва 1964 й.
3. Егоров А. А. Теория и практика работы с хором. Ленинград Москва 1951

Д () ва А булинади.

Дискант – болаларнинг юкори овози булиб до – фа солб Оальт-пастки овоз соль-ля-ре-ми.

А. Овознинг юкори пардалари кулланилса, болалар зурикиб куйлайди, овоз кучсиз булиб чиқади. Юкори тесситурада ёзилган асарлар болалар хorigа тавсия этилмайди.

А. Овози хорда иккинчи товушни ижро этади, у баъзида асосий куйни олиб боради. Болалар овози маъияга богликдир. Мутация лотинча суз узгариш (раста булиш) дегани. Болалар организмда 12-14 ёшда катта узгаришлар була бошлайди. Юрак кенгаяди, мускуллар мустахкамлаша боради. Жинсий тикланиш даври угил болаларда 1-2 йил кейин бошланади. Шу давр-мутация даври деб аталади. 1,2 – синфларда угил ва киз болаларни овози бир хил булади, мутация кизларда катта узгариш булмайди, анчаенгил утади. Мутация 2 даврга булинади:

1. Мутация аломатларининг пайдо булиши (овоз пардаларининг кизариши).
2. Овознинг пасайиши ва пастки (кукрак регистри) товушларнинг пайдо булиши.

Угил болаларда эркача овоз пайдо булади. Кизларда эса диапазон кенгаяди (айрим педагоглар ашула айтмаслик керак десалар, айримлари айтиш керак, лекин индивидуал йул тутиши шарт. Бошка овозга утказиш, масалан: Д-дан А-га)

V-VII- синф хorigа кулай тесситура ва диапозони катта булмаган асарлардан репертуар тузиш керак.

Текшириш саволлари:

1. Болалар овозига характеристика.
2. Болалар хорини турлари.
3. Болалар хор жамоалари хакида кискача маълумот

Таянч тушунча.

1. мутация – овозни узгариши.

Аёллар овози

Икки турга булинади Сопрано ва Альтлар куйидаги куринишларга эга.

1. Колоратура
2. Лирик колоратура
3. Лирик
4. Драматик
1. Колора-лот «безайман» дегани – булбулга ухшаган жуда чиройли тембрли овоздир. Унинг диапозони 2,5 октава до¹ фа³ уч регистрга эга: пастки (кукрак), урта (медиум), юкори (бош) жуда кам учрайди ва хорда ишлатилмайди.
2. Аралаш харакатли овоз хорда кулланилади.
3. Енгил майин овоз хорда асосий куйни ижро этади до-до-ре лекин хорда юкори ноталар ишлатилмайди.
4. аралаш хар-га эгадир.
5. до¹-до³ хорда вазифасини утайди Альт-аёлларнинг паст овози хисобланади, 2 турга булинади. 1 меццо-е ва 2 контр альто.
1. Меццосопранонинг диапозони соль-соль, ля² 3 регистри бор: пастки, урта, юкори. Хорда А1 вазифасини бажаради ва урта, пастки регистрлардан фойдаланади.

2. Ит. Аёлларнинг энг паст овози дегани фа-фа, соль² жуда кучли овоз. Хорда А 11 вазифасини утайди. Яхлит аёллар хорида КА садонинг пойдевори вазифасини бажаради.

Текшириш саволлари.

1. Сопрано ва альт овозлар хақида қандай тушунчага эгасиз?
2. Аёллар овозининг хусусиятлари қандай?

Таянч тушунчалар

1. Сопрано – аёлларнинг энг юкори овози
2. Колоратур – лотинча «colora» безайман маъносида.

Эркаклар овози.

Улар икки турга бўлинади А ва В.

Тенор – лот ушлайман дегани – энг юкори овоз. Урта асрларда асосий куйни Т ижро этган ва бу куй узгармаган холда қайтарилган асарнинг охиригача ва Т калитида ишларди. Хозир скрипка калитида ёзилади ва бир октава пастда уқилади. Бас калитида ҳам ёзилади. (агар партитура иккиталик бўлса) Д-до-до².

Т-нинг асосий турлари: 1, альтино. 2, лирик. 3, лирик драматик. 4, драматик.

1. У икки регистрдан фойдаланилади, юкори ва урта Д-до¹-ми³ Т1 партиясида ижро этади.
2. до-до² бу овозда ҳам икки регистр бор, кукрак ва юкори, Т1 партиясини қуйлайди (Саттор Ярашев).
3. иккита регистр пастки ва юкори.
4. Кучли жарангдор бўлади. До²-си⁴ хор Т11 вазифасини бажаради. Кукрак ва юкори регистри бор. Бас овози эркакларнинг паст овози бўлиб 3 турга бўлинади.
1. баритон. 2. бас. 3. октавачи бас.
1. Грекча огир (барус) ва тон (тонус) – эркакларнинг урта овози. Икки хил бўлади: лирик драматик.

1. Лирик бар – тенорга яқин .

2. Драматик – басга ухшайди.

Соль^{кат} –ляр¹ Иккита регистр (кукрак ва юкори) хорда биринчи Б1 партиясини бажаради. Бас – ит Паст дегани, уч хил бўлади:

1. Юкори бас (лирик ва драм)
2. Урта бас
3. Октавали бас

1. Лирик баснинг Д фа^{кат} –фа¹ икки регистр бар-пастки, юкори. Драм бас жарангдор бўлади - ми¹, у ҳам икки регистрга эга.

2. Урта марказий баснинг Д=до^{кат}-до¹ хорда 1,2 бас партиясининг ижро этишад

3. Октавали бас (рофундо) кам учрайди. Улар оддий баслардан бир октава пастда қуйлайдилар. Проф хорда бу овознинг булиши шарт. Соль^{контракт} до¹ икки регистрга эга: пастки ва юкори. Улар хорда пойдевор вазифасини бажаради.

Мундарижа

1 - Мавзу: Хор ижрочилиги мусика санъати тури сифатида	1
2 - Мавзу: Овоз аппарати ва унинг ишлаш конун коидалари	4
3 - Мавзу: Хор ижросининг асосий бадий –ифода воситалари	6
4 - Мавзу: Асарни хорга ургатиш услубиёти	8
5 - Мавзу: Хор санъатининг ривожланиш тарихи	10
6 - Мавзу: Ўзбекистонда хор маданияти	12
7 – Мавзу: Аралаш хор хакида маълумот	15